



TOP-CONFERENCES

# International Conference of Economics, Finance and Accounting Studies

*International Conference of Economics, Finance and Accounting Studies is a double-blind peer-reviewed, open-access journal published to reach excellence on the scope. It considers scholarly, research-based articles on all aspects of economics, finance and accounting. As an international congress aimed at facilitating the global exchange of education theory, contributions from different educational systems and cultures are encouraged. It aims to provide a forum for all researchers, educators, educational policy-makers and planners to exchange invaluable ideas and resources.*

## Аудиторлик Фаолиятининг Асосий Мақсадлари

**Ниятов Жаҳонгир Абдуғаппор ўғли**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси ассистенти


### Аннотация

Мамлакатимизда амал қилаётган Қонунга кўра “Аудиторлик фаолиятининг асосий мақсади иқтисодий субъектларнинг бухгалтерия (молиявий) ҳисоботлари ҳақиқатга тўғрилигини ва улар амалга оширган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган меъёрий ҳужжатларга қай даражада монандлигини аниқлашдан иборат”.

**Калит сўзлар:** Аудитор, мулкдор, ҳисоблаш жараёни, рақамли иқтисодиёт, бизнес, савдо, пул муомаласи.

Қонунда ушбу асосий вазифа таърифи ҳам аудит моҳиятидан келиб чиқади ва иқтисодий субъектларининг бухгалтерия (молиявий) ҳисоботлари тўғрилигини аниқлашдан иборат бўлиб қолган. Бироқ Қонунда муҳим қўшимча мавжуд: аудитор мазкур ҳисоботнинг тўғрилигини барча муҳим жиҳатлари бўйича тасдиқлайди.

Аудитнинг муҳим жиҳатлари тўғрисидаги қўшимчанинг аҳамияти катта. Чунки маданиятли бозор аудитининг асосий вазифасини бироз бошқача таърифлайди. Назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам аудитга.



### 5-чизма. Аудитининг асосий вазифаси

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот аудитининг мақсади бўлиб аудиторга хусусий капитал тўғрисидаги молиявий ҳисоботнинг барча аҳамиятли жавҳалари бўйича молиявий ҳисоботни тақдим этишга оид белгиланган концептуал асосга мувофиқ тайёрланганлиги ҳақида ўз фикрини билдириш учун имконият яратишдир. Аудиторлик хулосасини тайёрлашда қуйидаги иборалардан фойдаланилади: “Тўғри ва ҳаққоний акс эттиради” ёки “Барча аҳамиятли жавҳалар бўйича ҳаққоний тақдим этилган”. Бу иккала атама бир-бирига

тўғри келади.<sup>1</sup>

Аудиторлик хулосаси хусусий капитал тўғрисидаги молиявий ҳисоботга нисбатан ишончлиги билан бир қаторда, фойдаланувчи ушбу хулосани субъект келажакда барқарор фаолият кўрсатиш учун ишонч, ҳамда субъект раҳбарияти томонидан мукамал ва самарали иш юритиш кафолати деб ҳисоблай олмайди.

Аудитор, молиявий ҳисобот аҳамиятли даражада бузиб кўрсатилишига олиб келадиган вазиятлар мавжуд бўлиши мумкинлигини тан олиб, аудитни маълум даражадаги касбий ишончсизлик билан режалаштириши ва бажариши лозим. Масалан, одатда аудитор субъект раҳбарининг тақдимотларини исботлаш учун далиллар топишни назарда тутди ва ушбу тақдимотлар сўзсиз тўғри деб ҳисобланмайди.

Аудит умумий ҳолда кўрилатган молиявий ҳисобот аҳамиятли янглишларга эга эмас эканлиги тўғрисида керакли ишончлиликни таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Керакли ишончлилик бу аудитор умумий ҳолда кўрилатган молиявий ҳисобот аҳамиятли четга чиқишларга эга эмас деган хулосага келиши учун унга керакли аудиторлик далилларини тўплаш билан боғлиқ концепция. Оқилона ишончлилик концепцияси аудит ўтказиш жараёнига умумий ҳолда алоқадордир.

Бироқ, аудитор томонидан аҳамиятли янглишларни аниқлаш имкониятига таъсир этувчи аудитга хос чекловлар мавжуд. Бундай чекловлар қуйидаги омиллардан келиб чиқади:

- Тестлардан фойдаланиш;
- Бухгалтерия ҳисоби ва ички назоратининг ҳар бир тизимга хос бўлган чекловлар (масалан, тил бириктириш имконияти);
- Аксарият аудиторлик далиллар ўзининг моҳиятига кўра яқуний эмас, балки исботловчи бўлиши.

Бундан ташқари, хусусий капитал тўғрисидаги молиявий ҳисоботнинг алоҳида таъкидлари бўйича хулоса чиқариш имконини берувчи мавжуд далиллар ишонарлиликка таъсир этиши мумкин бўлган чекловлар мавжудлиги (масалан, ўзаро боғлиқ томонлар орасидаги операцияларга нисбатан). Бундай ҳолатларда айрим аудитнинг халқаро стандартлари алоҳида тасдиқлашларининг тавсифига биноан қуйидагилар мавжуд бўлмаганда етарли даражада тегишли аудиторлик далиллар таъминлаш учун аниқ муолажаларни белгилайди;

(а) одатда назарда тутилган таваккалчилик даражасидан юқорида аҳамиятли янглишиш таваккалчилигини оширувчи ғайри одатий вазиятлар;

(б) аҳамиятли янглишиш вужудга келатганлиги тўғрисида ҳар қандай белги.

Молиявий ҳисобот аудитининг мақсади молиявий ҳисобот маълумотларининг тўлиқлиги ва ишончлигини, улар амалдаги қонунчиликка мувофиқлигини текширишдан иборат (1-жадвал).

Аудиторлик текшируви ўтказишнинг асосий манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

Аудитор хусусий капитал тўғрисидаги молиявий ҳисобот бўйича фикр шакллантириш ва билдириш учун маъсул бўлганлигига қарамасдан, молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш бўйича масъулият субъект раҳбарияти зиммасида қолади.

#### **Адабиётлар:**

1. Shodiyevich, R. S. ., Xusniddin Qizi, J. S. ., & Zafar qizi, O. F. . (2024). Benefits of Social Networks in the Field of Services. *Best Journal of Innovation in Science, Research and Development*, 3(2), 84–88. Retrieved from <https://www.bjisrd.com/index.php/bjisrd/article/view/1533>

---

<sup>1</sup> Профессор Р.Д.Дўсмуратов – “Аудит асослари” ўқув дарслик,

2. [https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=2chddD8AAAAJ&sortby=pubdate&citation\\_for\\_view=2chddD8AAAAJ:vV6vV6tmYwMC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=2chddD8AAAAJ&sortby=pubdate&citation_for_view=2chddD8AAAAJ:vV6vV6tmYwMC)
3. Ражабоев Ш. Ш. ПРАВИЛА УЧЕТА ПРИ ПРОЕКТИРОВАНИИ СТАРТАПОВ //ББК 65.29: 74.48 я431 П711. – 2023. – С. 26.
4. Sh R. S., Shodmonov T. S. POSITIVE AND NEGATIVE ASPECTS OF GLOBALIZATION //Теория и практика современной науки. – 2023. – №. 10 (100). – С. 15-18.
5. Sh R. S. USE OF INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES IN THE ACCOUNTING OF ENTERPRISES //Теория и практика современной науки. – 2023. – №. 10 (100). – С. 19-23.
6. Umidov D. U., Sh R. S. APPLICATION OF PROGRAMS USED IN THE FIELD OF ACCOUNTING IN STARTUPS //ББК 65.29: 74.48 я431 П711. – 2023. – С. 31.
7. Ражабоев Ш. Ш. МОНИТОРИНГ И ОЦЕНКА УРОВНЯ ЗНАНИЙ СТУДЕНТОВ ВО ВРЕМЯ УЧЕБНЫХ ЗАНЯТИЙ //Экономика и социум. – 2024. – №. 2-2 (117). – С. 585-591.